Асримизнинг дастлабки йиллари АКШда содир этилган фожиалар хакида муфассал гапириб ўтирмасак хам, бу хакда дунёнинг барча ахолиси жуда ишончпи маълумотларга эга. Шундай экан, келинг, биз бугунги кун кишиларининг бўлиб ўтган мазкур дахшатли ва халокатли вокеаларга нисбатан билдираётган холисона фикрлари хусусида тўхталиб ўтайлик. Сўзимиз аввалида айтиб ўтмокчимизки, АКШда 2001 йил 11 сентябр куни уюштирилган портлатишларда халок бўлганларнинг 2007 йилги хотирлаш санасини бутун олам ахли ишончсизлик, шубха ва гумонлар остида каршилади. Ушбу хотира маросими муносабати билан намойиш этилган Усома бин Лодин видео тасвирлари, чикишлари унинг олдин хам кўрсатиб ўтилган умумий эпизодларидан мутлако фарк килмади. Бин Лодин жаноблари бу сафар хам экранда олти йил олдин амалга оширилган терактларга гўё ўзлари бош-кош бўлган киши сифатида «талкин этилди».

Бу манзаралар эса Америка ташки сиёсатини яна бир карра окпаш максадида килингани шундоккина сезилиб турарди. Нью-Йорк шахрининг «Жахон савдо маркази» биноларида-ги портлатишларда халок бўлганларни ёд этиш кунида йигилганлар «Йирик аксилтеррорчилик компания»си ташкилотининг фаолиятини кўнгилдагидек деб бахолашлари учун хам шундай йўл тутилгани яккол намоён бўлиб колди. Барибир, халкаро хамжамият 11 сентябр вокеаларига оид билдирилган расмий маълумотларга тобора кўпрок ишончсизлик билан карамокда. Бунинг натижасида, мазкур холат уларда аччик рухий манзара касб этувчи саволлар тўкилишига сабаб бўлаётир. Масалан: «Бин Лодин аслида хам борми? Бин Лодин исм-шарифли инсон, балки бу дунёда умуман йўкдир?» сингари галати-галати сўроклар пайдо бўлаётганини ана шулар жумласига киритиш мумкин.

Кўпрок бошкарув доиралари рухи ва кайфиятини ифодаловчи давлат тасарруфидаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) етти йил олдин бўлиб ўтган ушбу вокеаларнинг шов-шувга асос соладиган жихатларини кенгрок ёритмокда. Якинда расмий «Постскриптум» тахлилий кўрсатувлар дастури бин Лоден томонидан килинаётган мурожаатлар хакконийми кан дея, бу хакдаги барча фикр-мулохазаларни чукур шубха ва гумонлар гирдобига солиб кўйди.

Телебошловчи Алексей Пушков эса уларни «Махсус хизмат» ходимлари эски видео ёзувлардан пайвандлаб (монтаж) олган деб очик-ошкор айтди. Шунингдек, у бу борадаги зўр фикр ва карашларини тўлдириб ўтиш максадида, «Биринчи ракамли боскинчи» туркумидаги видеороликлар жахон ОАВда мазкур жараён Буш маъмуриятини кизиктириб колганидан кейингина тез-тез пайдо бўла бошлади, деган гапларни хам

кўшимча килади. Дастур муаллифлари 11 сентябр терактларига нисбатан Буш маъмурияти берган маълумотлар асл хакикатга мутлако тўгри келмайди кабилидаги гояларни тобора илгари сурмокдалар.

Пушков ўз сўзининг исботи сифатида Нью-Йорк вокеаларига багишлаб чикарилган навбатдаги китоб такдимоти хабарларини келтириб ўтади. «Ground ZERO»да бир канча таникли мутахассислар 11 сентябр фожиалари юзасидан келтириб ўтилган расмий маълумотларни дархол тахлил этиб, юз берган вокеалар учун жавобгарликни Кўшма Штатлар зиммасига юклашган.

Мазкур фожианинг ўтган йилги хотирлаш маросими арафасида «Вести» хам 2001 йил вокеалари учун Жорж Буш маъмуриятини айбдор деб хисоблашини таъкидлаганди. Ўшанда «Алмашилган чака» («Разменная монета»-номли хужжатли фильмнинг яратилиш тарихи хакидаги батафсил репортаж хам намойиш этилди. Унда юз берган Америка фожиалари хусусидаги расмий маълумотларнинг бирёклама тахпил ва талкин этилгани ипидан-игнасигача тўлик очиб ташланади. Мазкур хужжатли кино уч нафар Америка фукароси томонидан арзонга-ов «ноутбук»да тайёрланган. Бу эса уни ишлаб чикканларга атиги уч минг долларга тушган, холос. Бирок ушбу фильмнинг самарали таъсир доирасига эга бўлгани кишини хайратга солмай колмайди. Уни томоша килган шинавандаларнинг ўндан тўккиз нафари зум ўтмай, АКШнинг «Аксилтеррорчилик компания»си олиб борган фаолиятга нисбатан ўз карашларини кескин ўзгартиради. Кино жахоннинг олти тилига таржима килиниб, интернет сахифалари оркали хам намойишга чикарилган. Киска вакт давомида уни дунёнинг миллионлаб кишилари кўришга ва кўчириб олишга муваффак бўлишган.

Барча айтиб ўтганларимиздан та-шкари, профессор Дэвид Рей Гриффиннинг «Янги Перл-Харбор» деб номланувчи китоби хам катта шухрат козонди. Унда юкоридаги масалалар куйидаги тартибда кўндаланг кўйилади: «Бу килмиши билан Америка, 2001 йил 11 сентябр вокеалари туфайли ўзининг улкан давлатчилик макомини мустахкамлаш максадида «бекиёс юриш» бошлаш учун ўз фукароларига карши, кишининг калбига сирли ва мавхум тахдид соладиган гайриинсоний мўъжизакор жиноятлар содир этмадимикан?» Ортда колган олти йил давомида бутун дунё бўйлаб, 11 сентябр терактларига доир етказилган кўплаб анжуман, учрашув ва йигинларнинг хулосалари хамда экспертлар фикрларини обдон тинглаб кўриш сингари катор тадбирлар уюштирилди. Уларнинг барча-барчасида АКШ йирик хажмдаги мазкур жиноятларнинг ташкилотчиси тарикасида бахоланмокда. Бу борада хатто Америка олимларининг жамоатчилик ташкилоти хам тузилган бўлиб, унда олти йил бурунги фожиалар тўгрисида билдирилган расмий хужжатларнинг тўгри ёки нотўгрилиги, аслида бор хакикат нималардан иборат бўлгани каби муаммоларга ечим топиш масалалари мунтазам равишда ўрганиб борилмокда.

11 сентябр вокеалари муносабати билан Буш маъмурияти ўзининг сак-киз йиллик бошкаруви давомида тутган мавкеига нисбатан жуда каттик какшатгич зарбага дуч келди. Чунки, мазкур масапаларни ўрганиш бўйича таркибини АКШнинг энг юкори малакали ва катта тажрибага эга бўлган 130 нафар инженер хамда архитекторларидан тузилган экспертлар гурухи олиб борган ўз текшируви хулосаларини оммага ошкор этди. Айни пайтда улар Калифорния штатининг Окланд шахрида-ги йирик концерт залларидан бирида йигилиб, ўз хулоса ва муносабатларини АКШ конгрессига маъкуллатиш устида бош котиришмокда.

Ана шу нуфузли экспертлар гурухининг фикрларида таъкидланишича, Жахон савдо маркази жойлашган «эгизак» биноларнинг дахшатли равишда яксон килиниши «атайин уюштирилган». Расмий хужжатларда таъкидлангани каби уларнинг портлатилиши хаво лайнерини гаровга олган террорчиларнинг иши эмас, балки иншоотлар динамит ва минасимон портловчи курилмалар воситасида бомбардимон килинган. Тахлилчилар ишонарли далилу ракамлар асосида суратга олинган фотолар, видеотасмалар хамда кўп минг сонли гувохларнинг кўрсатмаларига таяниб, аник хулосалар чикаришганига, нима дейиш мумкин?

Америка архитекторлар институтининг аъзоси Ричард Гейжнинг таъкид-лашича, АКШда «террористлар» томонидан содир этилган портлатишлар пайтида хамма бирдан саросимага тушиб колган. Шу боис, шу вактнинг ўзида юз берган вокеаларга нисбатан холис бахо бериб, уларни тахлил этишнинг сира имкони бўлмаган.

«Ўша кезлари хаммамиз хам «эгизак» бинолар террорчиларнинг самолётлари оркали гумдон килинди, деган афсоналарга чиппа-чин ишонганмиз. Хозир эса бу ишларнинг бари уюштирилган экани аник бўлгач, барчамиз хайратга тушаяпмиз. Энг саводсиз кишига хам маълумки, мазкур жараёнларни амалга ошириш учун мураккаб миналаштириш тармогига эга бўлиш талаб килинади. Жахон савдо марказида мавжуд бўлган назорат ва хавфсизлик тизимини инобатга оладиган бўлсак, портлашларни шахсан террорчилар содир этганига ишониш жуда-жуда кийин. Шундай килиб, куйидаги дахшатли хулосани ясашга мажбурмиз, яъни 2001 йил 11 сентябр фожиаси АКШ хукумат доиралари таркибида «сахналаш-тирилган» бўлиши мумкин».

Олимларнинг бундай катьий фикрга келиши кўпчилик орасида кат-та шов-шув кўтарди. Улар келиб чи-киши бетайин Усома бин Лодин-нинг аслида хакикий бўлмаган ви-деомурожаати туфайли юзага кал-киб чиккан сиёсий маълумотлар са-марасидан кўл

силтадилар. Бирок булардан ташкари, Кўшма Штатлар-нинг давлат идоралари томонидан такдим этилаётган далилларнинг бир-бирига номутаносиблиги, улар-нинг очикдан-очик ёлгон сўзлашаёт-гани аввал бошдан катормамла-катлардаги кўп сонли ахолиси ўрта-сида талайгина муаммоли саволлар-Ни кўндаланг килиб кўйганди. Аммо, минг таассуфки, бу каби сўроклар-га хапи-хамон тайинли жавоб топил-ганича йўк. Дунё ахли 11 сентябр вокеаларига доир очик ва адолатли суд жараёнларини кўрмаяпти, лекин биз АКШ олиб бораётган «тер-роризмга карши кураш» сиёсати махсулини хар кадамда, жумладан,

Ирок, Афгонистон, Гуантанамо ва Марказий айгокчилик бошкармаси (ЦРУ)нинг махфий камокхоналари хамда бошка жойларда хар куни кўриб, кузатиб турибмиз.

Шунинг учун айтиш мумкинки, жид-дий равишда ўтказилган мазкур иж-тимоий сўровлар давомида аникланишича, бир йил олдин Манхеттенда содир этилган вокеалар юзасидан келтирилган расмий маълумот-ларга нисбатан 63 фоиз нью-йоркликларнинг ишонмагани оддий та-содиф эмас. Ўшанда бутун америкаликларнинг ярмидан кўпи Жорж Буш маъмуриятининг фожиалардан ол-динги, вокеалар содир бўлган пайтда ва ундан кейинги хар кандай фаолиятини АКШ Конгресси кўшимча равишда тафтиш этишини талаб килганди. Чунки улар ўз ватандош-ларининг нимага ва нима учун кур-бон бўлгани тўгрисидаги хакикатни билишни жуда-жуда хохлайдилар.

Энг охирги марта ўтказилган «The New York Times» газетаси сўровномаларидан маълум бўлишича, америкаликларнинг тўртдан уч нафари айни пайтга кадар АКШ хукумати 11 сентябр вокеаларига доир хакикатни яшираётганига заррача шубха килмайди. Бундайлар сони 2006 йилдагига караганда яна кескин ошиб кет-ган. Унда ахолининг «атиги» тенг ярми АКШга «Ал-Коида» хужум килди, деган мазмунда таркатилган рас-мий хукуматхабарларига сира ишонмасликларини билдиришган эди.

11 сентябр фожиаларига нисбатан Буш маъмурияти эълон килган расмий хужжатлар тўгрилигидан шубх-аланувчилар сони ер юзининг ўзга давлатлари худудида бундан хам кўпрокни ташкил этади. Бугунги кунда бутунжахон хамжамияти «энг озод мамлакат» хукумати ўз халки-га карши уюштирилган жиноятларга шерик бўлмокда, деган фикрга тобора кўпрок ургу бермокда.

Амалга оширилган портлатиш во-кеалари борасида таркатилган расмий маълумотларни биринчи бўлиб ислом экспертлари, олимлари ва публицистлари инкор этиш-ган эди.

Ўшанда, яъни 2001 йилда бу маънодаги, аникрок айтадиган бўлсак, АКШ маъмуриятининг рўй берган фожиаларга муносабатини билдирувчи расмий хабарларни рад ёки инкор этиш учун кишидан нафакат мардлик, шу билан бирга, бекиёс одиллик ва улкан ватанпарварлик хам талаб килинарди. Негаки бу борада заррача гумонга борган хар кандай мамлакат вакилини Америка давлат идоралари хеч иккиланмай, террорчиларнинг шериги ёки уларнинг курол-ярок таъминотчиси, деб хисоблар, дархол таъкиб килишга тушарди.

Холбуки, орадан беш-олти йил ўтибгина дунё ахли мусулмонларнинг 2001 йил 11 сентябр вокеаси айбдорларига нисбатан билдирган холисона фикрлари, муносабатлари ва хулосалари мохиятини теранрок тушуниб етди. Шу билан бирга, АК Шнинг «терроризмга карши кураш» сиёсати замирида нималар ётганини хам англаб улгурди. Агар мазкур тушунишлар беш-олти йилдан кейин эмас, аксинча, шунча йил олдин англанганида, балки юз минглаб тинч ахолининг ёстиги куришига олиб келган, миллионлаб кишиларни ватанидан жудо килиб, кочоклик-ка, дарбадарликка махкум этган бутун минтаканинг тинчлик ва осойишталигига рахна солаётган Ирок можароларининг олди ўша пайтнинг ўзидаёк олинган бўлармиди...

Рус тилидан Рахмон К0ДИР таржимаси